

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура-қурилиш
институтининг ректори
Эржан Каҳя _____
“ ____ ” _____ 2021 й.

05.09.01 – “Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар”

ихтисослиги бўйича (PhD) таянч докторантурага

кириш имтиҳонлари

Д А С Т У Р И

Тошкент – 2021

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва 2021 йил 28 октябрдаги 1–сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Дастурни тузувчилар:

т.ф.д., проф. Мамажанов Р.К. – АО «Ўзоғирсаноатлойиха» бош мутахассиси

т.ф.д., проф., Асқаров Б.А. – “Қурилиш конструкциялари” кафедраси, ТАҚИ

т.ф.д., проф., Ходжаев А.А. – “Қурилиш конструкциялари” кафедраси, ТАҚИ

т.ф.н., проф., Мирзаев П.Т. – “Қурилиш конструкциялари” кафедраси, ТАҚИ

т.ф.н., проф. Махмудов С.М. – “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” кафедраси, ТАҚИ

т.ф.н., проф. Сайфиддинов С – “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” кафедраси, ТАҚИ

Ушбу дастур “Қурилиш конструкциялари” ва “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш” кафедрасининг 2021 йил 26 октябрдаги 6-сон мажлисида кўриб чиқилган.

“Қурилиш конструкциялари”
кафедраси мудири

Юсуфхўжаев С.А.

“Бино ва иншоотларни лойиҳалаш”
кафедраси мудири

Байматов Ш.Х.

Кириш

Дастур 05.09.01–“Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар” ихтисослик паспорти асосида ишлаб чиқилган.

Дастурга саноат ва аҳоли биноларини лойиҳалаш ва уларни қуриш сифатини оширишдаги асосий муаммоларни тубдан такомиллаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида улардан узоқ муддат фойдаланишни таъминлаш, лойиҳалаштириш бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга доир керакли билимлар, қурилиш конструкцияларини, биноларини ва иншоотларини қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича саволлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига zilzilalar туфайли шикаст етган. Бино ва иншоотларнинг zilzilabardoшлигини таъминлаш инсон ҳаёти ва маданий қадриятларнинг хавфсизлиги учун катта аҳамиятга эга. Агар сейсмик ҳолатларга яхши бардош бера оладиган иншоот қурилса, zilzila туфайли етказиладиган ziёни минимум даражага етказиш мумкин. Сейсмик таъсирларга бардошли иншоотлар қурилиши кучли zilzilalar натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган талофатлар даражасини минимумга етказиш имконини беради. Zilzilabardoшли иншоотлар қуришнинг муҳим масалаларидан бири конструкцияларни кучайтиришга кетадиган ҳаражатларни камайтириш ҳамда zilzilabardoшлилигини таъминлашдан иборат.

I. Турар-жой бинолари архитектураси

Турар-жой биноларини лойихалаш бўйича умумий малумотлар

Биноларга қўйилган асосий талаблар, биноларнинг таснифи. Бино конструкциялари оловбардошлик чегараси. Қурилиш конструкцияларини бир хиллаштириш (типизация), унификациялаш, индустриаллаштириш ва стандартлаштириш. Қурилишда ягона модул системаси. Номинал, конструктив ва ҳақиқий ўлчамлар. Бино конструкцияларини координацион ўқларга боғлаш.

Турар-жой биноларини лойихалаш асослари

Турар – жой биноларига қўйиладиган функционал, санитар-гигиеник, физик-техник, иқтисодий ва экологик талаблар. Турар - жой биноларининг конструктив схемалари ва конструктив системалари. Квартира, унинг таркиби ва лойихалаш принциплари.

Турар-жой биноларининг ҳажмий-тарҳий ечимлари. Сексияли, галерияли, туташтирилган (блокированные) турар-жой бинолари уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Зиналар, уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Чўкиш, ҳарорат ва зилзила чоклари. Қишлоқ шароитида қурилиш учун мўлжалланган турар жой биноларининг ҳажмий-тарҳий хусусиятлари. Турар жой бинолари ҳажмий-тарҳий ечимини техник-иқтисодий баҳолаш. Қурилиш учун, турар жой биноларининг жойлашиши ва ҳудуд архитектура – бадий кўркига уйғунлашуви. Қишлоқ шароитига мослаштирилган турар - жой биноларини лойихалаш.

Пойдеворлар ва уларнинг конструктив ечимлари.

Пойдевор ва унинг асосий параметрлари. Пойдеворнинг конструктив схемалари. Пойдеворнинг қўйилиш чуқурлиги. Пойдеворларнинг деформацияланиш турлари. Тасма, плита, устун (столба) шаклидаги ва устун қозикли (свайные) пойдеворлар уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Пойдевор конструктив схемаларига қўйиладиган талаблар. Пойдеворга таъсир этувчи кучлар турлари.

Ташқи деворлар ва уларнинг конструктив элементлари.

Девор турлари ва уларнинг қўйилган асосий талаблар. Ташқи ва ички деворларга қўйиладиган асосий талаблар. Девор элементлари Деворлар конструкцияси ва терилишига кўра турлари. Деворларнинг нормал ишлаши ва яхлитлигини таъминлаш. Гишт деворли биноларнинг зилзилага чидамлилигини ошириш. Енгиллаштирилган девор конструкциялари. Майда блок ва табиий тошдан терилган деворлар. Тош девор деталлари. Йирик ўлчамли панелли деворларнинг конструктив схемалари.

Қаватлараро ёпмалар.

Қаватлараро ора ёпмалар ва поллар. Ёғоч тўсинли, Темирбетон қаватлараро ора ёпмалар. Ёғоч тўсинли қаватлараро ора ёпма конструкцияси. Ёғоч тўсинларни ғишт деворга илинтириш. Энг оддий кўринишдаги яхлит темирбетон қаватлараро ора ёпмалар. Қуйма темирбетон қовурғали ёпма плитаси. Қуйма темирбетондан кессон типда тайёрланган яхлит плита. Ора ёпмаларнинг конструктив схемалари.

Парда деворлар.

Парда девор турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Турар–жой бинолари хоналарни бир–биридан ажратувчи, юк кўтармайдиган, вертикал ички парда деворлар. Майда элементлардан тузилган парда деворлар. Парда деворларда ишлатиладиган маҳаллий қурилиш материаллари. Панелли парда деворлар, ғишт парда деворлар ва тош парда деворлар, Шиша блок парда деворлар ҳамда ёғоч тахтали парда девор, Майда гипс плитали парда девор. Гипс–бетон плиталардан парда девор қуриш. Каркасли парда девор конструкциялари. Йирик панелли парда деворлар. Парда девор панели ёғоч каркасининг схемаси. Парда деворларнинг конструктив ечимлари. Парда деворлар деталлари.

Дераза ва эшиклар

Дераза, уларга қўйиладиган асосий талаблар, конструкциялари. Бир, икки ва уч қатламли деразалар. Ёғоч, металл ва пластмассали дераза табақалари. Дераза ойнаси материаллари.

Эшиклар. Вазифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Функционал (ўтказиш қобилияти, мебелларни сиғиши, очилиши); исиклик физикаси талаблари (исиклик ўтказишга қаршилик кўрсатиш, ҳаво ўтказмаслик, шовқун ўтказмаслик, эстетик талаблар).

Том ёпмалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.

Бинонинг тепа қисмини ёпиб турувчи конструктив элементлар. Томларга қўйиладиган асосий талаблар. Қор ва ёмғир сувларининг оқиб кетишини таъминлаш. Нишабли томлар ва уларнинг конструкциялари. Чордоққа кириш учун нарвонлар, эшиклар ва кириш туйнуклари. Чордоқли томларнинг асосий турлари. Нишабли томларнинг кўтарувчи конструкциялари. Икки таянчга қўйилган страпилли томлар. Қовурғали темирбетон плиталар билан ёпилган чордоқли том. Атмосфера сувлари бино ичкарасидан оқизиладиган бино чордоқли томи йиғма элементлари. Бирлашган (чордоқсиз) томлар. Бирлашган томларнинг конструктив схемалари. Деформация чоклари устини ёпиш.

II. Жамоат бинолари архитектураси

Жамоат биноларини лойиҳалашнинг функционал асослари. Жамоат бинолари классификацияси. Жамоат биноларининг конструктив схемалари ва

конструктив системалари. Жамоат биноларининг ҳажмий - тархий ечимлари. Жамоат биноларининг асосий ва ёрдамчи элементлари: кириш гуруҳлари, асосий бино гуруҳлари, ёрдамчи ва иккиламчи хоналар гуруҳи, горизонтал ва вертикал коммуникация. Ёнғин хавфсизлиги ва одамларни бинодан эвакуация қилиш. Жамоат биноларининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари. Жамоат биноларида ягона модул системаси. Қишлоқ ҳудуди учун жамоат биноларини лойиҳалаш хусусиятлари.

Зилзилавий ҳудудларда турар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш.

Зилзилавий ҳудудларда фойдаланиладиган бинолар. Биноларни ҳажмий–тархий ва конструктив ечимлари. Зилзилавийлиги 7,8,9 балли ҳудудларда қуриладиган бинолар учун махсус талаблар. Муҳандислик – геологик шароитга боғлиқ бўлган қурилиш майдонларининг зилзилавийлиги. Қурилиш майдонининг зилзилавийлигини, зилзилавий туманлаштириш заминида аниқлаш. Зилзилага қарши чоклар. Зилзилавий ҳудудларда бинолар пойдеворларини лойиҳалаш. Биноларнинг намдан изоляциялаш қатлами.

Ўқув-тарбиявий йўналишга мўлжалланган, мактабгача, умумтаълим ва ўрта махсус касиб-ҳунар таълими муассасалари.

Мактабгача муассасалар, умумтаълим муассасалари (мактаблар, академиклицейлар). Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари - касб-ҳунар коллежлари бинолари

Соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш бинолари.

Соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

Амбулатория-поликлиника ва тип-соғломлаштириш бинолари. Тиб-реобалитация ва коррексия (стационарсиз) бинолари. Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари. Реабилитация муассасалари, стационари билан ижтимоийхизмат кўрсатиш марказлари, болалар учун васийлик муассасалари.

Маданият, бўш вақт ўтказиш, томошагоҳ, фуқаро ва дин маросимлари, жисмоний тарбия-спорт объектларининг бинолари.

Театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Томошагоҳ иншоотлар, мўлжалланганлиги турли томоша заллари. Очик ҳавода томоша иншоотлари. Клуб, студия, бўш вақт ўтказиш – ўйин-кулгу муассасалари (томошабинлар залисиз). Кутубхоналар ва ўқиш заллари.

Музейлар ва кўрғазмалар заллари. Томошабинлар ўриндигисиз жисмоний тарбия – спорт объектлари. Томошабинлар учун ўриндиклари мавжуд спорт-томоша ва жисмоний тарбия-спорт объектлари. Аҳоли қатнайдиган диний объектлар.

Ш. Саноат бинолари архитектураси.

Саноат биноларини лойиҳалаш асослари. Саноат биноларининг асосий турлари. Саноат биноларининг нима мақсад учун қурилганлиги ва капиталлигига қараб таснифлаш. Саноат биноларининг лойиҳаланиши ва конструктив элементларини бирхиллаштириш. Саноат биноларида ягона модул системаси ва биноларининг параметрлари. Ишлаб чиқариш-технологик жараён, саноат биносининг хажм-режалашнинг асоси. Цех ичидаги ва цехлараро юк кўтарувчи ташувчи транспортлар (жихозлар). Саноат биноларининг намунавийлаштириш ва бирхиллаштиришни ўзига хос хусусияти. Каркасли саноат биносининг вертикал юк кўтарувчи конструктив элементларини модул координацион ўқларига боғлаш усуллари. Ишчиларга хизмат кўрсатиш тармоқларини уюштириш тартиби. Маиший хизмат кўрсатиш хоналарини хажм режалаш. Саноат биноларини лойиҳалаш турлари (стадии). Саноат биносининг қаватлар сони, оралиғи, баландлиги, эни ва колонналар қадамини танлаш усуллари. Саноат биноларининг каркасини материаллари. Бир қаватли саноат биносининг темирбетон каркаси Саноат биноларини иситиш турига кўра тавсифланиши. Саноат биноларини ёритиш турига кўра тавсифланиши. Саноат биноларининг классификацияси. Саноат қурилишида унификациялаш, индустриаллаштириш, бирхиллаштириш ва стандартлаштириш. Саноат корхоналари бош режасини ишлаб чиқиш принциплари.

Саноат биноларининг конструктив элементлари

Саноат биноларининг пойдеворлари, устунлари ҳамда деворлари, томлари ва уларнинг конструктив элементлари. Саноат корхоналари маъмурий – маиший биноларини лойиҳалаш. Саноат корхоналарининг бош тарҳларини лойиҳалаш.

Бир ва кўп қаватли саноат биноларини лойиҳалаш.

Саноат биноларининг вазифасига кўра турлари. Саноат биноларининг кўтарма транспорт ускуналари. Саноат бинолари ва конструкцияларини бирхиллаш ва бир–бирига мослаштириш. Саноат биноларини лойиҳалашда ёнғинга қарши тадбирлар. Саноат бинолари архитектуравий композицияларининг асосий тамойиллари ва омиллари.

**Саноат биноларининг пойдеворлари ҳақида умумий маълумотлар.
Йиғма ва қуйма пойдеворлар. Саноат биноларида ишлатиладиган
пойдеворларнинг турлари.**

Бинонинг ер остки қисмини лойиҳалаш. Пойдеворларга таъсир этувчи ҳар хил ташқи куч ва муҳит. Бутун бинонинг оғирлиги, грунт кўтарилиши ва музлашидан ҳосил бўладиган таъсир кучлари, сейсмик таъсирлар. Пойдеворлар ташқи куч таъсирига чидамлилиги. Пойдеворларнинг конструктив схемалари. Бинонинг ер остки қисмини лойиҳалаш.

Саноат биноларида ишлатиладиган устунларнинг турлари.

Фахверк устунлар ва колонналар орасидаги боғловчилар.

Бир ва кўп қаватли саноат бинолари синчларини тузишда темир бетон ва пўлат устунлар қўлланилади.

Бир қаватли саноат бинолари темир бетон устунлари токчали ёки токчасиз (кўприк кранлар билан жиҳозланган ҳолда) ҳолда бўлиши мумкин. Саноат биноларини устунлари турлари. Саноат биноларида қўлланиладиган деформацион чоклари.

Саноат биноларининг эшиклари, дарвозалари ва деразалари.

Ишлаб чиқариш бинолари деразаси турлари ва ўлчамларини танлаш. Саноат биноларида ишлатиладиган ёруғлик ва аэрация фонарлари. Саноат бинолари деразалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Саноат биноларининг дарвозалари ва эшиклари турлари.

Саноат биноларининг том конструкциялари.

Саноат биноларида ишлатиладиган балка ва фермалар. Том ва ораёпма плиталари, том тўшамалари ва томлардан атмосфера сувларини қочириш. Корхона бош тархини лойиҳалаш ва ободонлаштириш тадбирлари.

IV. Металл конструкцияларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш асослари

Металл конструкцияларнинг тарихи ҳақида қисқача таъриф, уларнинг таснифланиши ва ишлатилиш соҳаси. Пўлат конструкцияларнинг ютуқ ва камчиликлари. Мустаҳкамлик, чидамлилиқ ва иқтисодий жиҳатдан металл конструкцияларга қўйиладиган талаблар. Пўлат ишлаб чиқариш турлари.

Пўлат сортаменти. Сортамент профиллари ҳақида умумий маълумот. Пўлатнинг механик хусусиятлари ва физикавий таснифи. Материалларнинг мустаҳкамлиги бўйича синфларга бўлиниши, кам углеродли пўлатлар, легирланган пўлатлар, легирланган ва тобланган пўлатлар. Пўлатни маркаларга бўлиниши. Пўлатнинг мустаҳкамлигини ошириш йўллари. Пўлатнинг кимёвий таркиби. Пўлат материалининг статик юк остидаги иши. Чўзилиш ва сиқилиш диаграммалари. Юқори мустаҳкамликка эга пўлат ишининг ўзига хос хусусияти. Конструкцияни ишлаш тартибига қараб, уларга мос келадиган пўлат маркаларини танлаш.

Металл конструкцияларни чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблаш асослари

Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш асослари. Ҳисоблашнинг

мақсади. Чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш. Чегаравий ҳолатнинг биринчи гуруҳи бўйича ҳисоблаш. Юклар ва таъсирлар. Нормал ва ҳисобий юклар, юклар бирикмаси (биргаликдаги таъсири). Пўлатнинг меъёрий ва ҳисобий қаршилиги. Материалнинг ишончилилик коэффициенти. Бинонинг вазифаси бўйича ишончилилик коэффициенти. Конструкцияларни чегаравий ҳолатнинг иккинчи гуруҳи бўйича ҳисоблаш. Чўзилишга, сиқилишга ва эгилишга ишлаётган элементларни ҳисоблаш усуллари. Пўлат сортаменти.

Металл конструкциялар бирикмалари

Электр ёйи орқали ҳосил бўладиган бирикмалар. Чокларнинг тури. Бирикмаларнинг ишлаши ва уларни ҳисоби. Болтли ва парчин миخلي бирикмалар. Болтларни тури: нормал, аниқлиги оширилган, юқори мустаҳкамликка эга ва анкерли болтлар. Болтли бирикмаларни ишлаши ва уларни ҳисоби.

Тўсинлар ва тўсинли конструкциялар

Тўсинлар ва тўсинли конструкциялар ҳақида умумий маълумот. Тўсинлар тури. Тўсинли катаклар – оддий, нормал ва мураккаб. Тўсинларни бир–бирига бириктириш усуллари. Тўшамани ишлаши ва уни ҳисоби. Прокат тўсинлар, уларни ишлаши ва ҳисоби. Алоҳида элементлардан тайёрланган тўсинлар. Уларни кесим юзасини минимал ва оптимал (мақбул, оқилона) баландлигини аниқлаш. Катта тўсинни умумий ва алоҳида элементларининг турғунлигини бажарилиш шартлари. Бош тўсинни токчаси билан деворчасини биргаликда ишлаш шартлари. Марказий сиқилишга ишлаётган устунларни ҳисоблаш тартиби.

Устунлар

Марказий – сиқилишга ишлайдиган устунлар ҳақида маълумот. Яхлит устунлар, уларнинг кесими. Устунларининг ҳисобий схемаси, яхлит устунлар учун кесим танлаш. Устун ўзагини сиқилишда ишлаши ва лойиҳалаш. Марказий сиқилишга ишлаётган устуннинг тепа ва пастки қисмлари. Йиғилган устунларнинг бирикган элементларининг ҳисоби. Марказий сиқилишга ишлаётган устуннинг кесим юзасини ҳисоблаш. Устунлар базаси ва тепа қисмини конструкциялари. Устунлараро боғловчи элементлар тизими.

Бир қаватли саноат бинолари конструкциялари

Бир қаватли саноат биноларидаги асосий юк кўтарувчи элементларнинг ва синчининг конструктив схемаси. Бир қаватли саноат биноларга таъсир этаётган юкларни аниқлаш. Синчни ҳисоблаш усуллари, кўндаланг рамани ферма узунлиги бўйича тушаётган доимий юк таъсирига ҳисоби. Кўндаланг рамани вақтинча тушаётган кранлардан ҳосил бўладиган юклаш ҳисоби.

Бинони фазовий бикрлик коэффициентини аниқлаш усуллари. Кўндаланг рамани горизонтал юкларга ҳисоблаш тартиби. Рама элементларида ҳосил бўладиган ҳисобий кучни аниқлаш усуллари. Бир қаватли саноат биносининг ёпма конструкцияси. Асосий конструктив элементлар ва схемалар (прогонли ва прогонсиз ёпмалар). Фермаларни лойиҳалаш. Ферма тугунларини ҳисоблаш. Кўндаланг рама устуни тепа ва пастки қисмларининг ҳисоби. Кран остидаги тўсиннинг ҳисоби. Саноат биносининг кўндаланг ва бўйлама бикрлиги (ўзгармаслиги)ни, устуворлигини таъминлашда том-тўшамалар бикрлигидан фойдаланиш. Фермаларни тепа ва пастки боғловчи элементлар тизимидан ва устунлараро қўйиладиган боғловчи элементлардан фойдаланиш. Фазовий боғловчиларнинг асосий шакллари ва қисмлари, уларни ҳисоблаш. Краности конструкциялари. Яхлит краности тўсинларнинг конструктив ечими ва уларни ҳисоблаш. Бир қаватли саноат биноларининг устунлари. Устунлар тури. Устунларнинг кран ости ва кран усти қисмларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш. Устунлар базаси ва тепа қисми конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш.

Том конструкциялари

Металл конструкциялардан фойдаланиб, таянч оралиғи катта бўлган биноларни том конструкцияларини яратиш: тўсинли конструкциялар билан; рамали конструкциялар билан; аркали конструкциялар билан. Фазовий ишлайдиган конструкциялар ва уларнинг монтажи. Гумбазлар ва уларнинг турлари. Структурали конструкциялар. Гумбазларнинг асосий юк кўтарувчи конструкцияларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш. Конструктив элементлари ва уларни ҳисоблаш асослари. Қобиклар ва уларнинг турлари. Ҳисоблаш асослари. Чўзилишга ишлайдиган (бир ва икки белбоғли мембраналар) конструкциялар. Баланд биноларнинг конструктив ечимлари: рамали; боғловчи элементлар билан; рамали-боғловчи элементлар билан; бинони ўрта қисмида ядроси билан.

Коробкали схема. Ташқи деворлари бўйича бикрлиги катта бўлган элементни ҳисоблаш асослари ва ҳисоблаш тартиби.

Мухандислик иншоотлари (металл)

Резервуар ва уларнинг турлари ва ҳисоблаш асослари. Очиқ ва ёпиқ резервуарлар. Тўғри тўртбурчакли ва айлана шаклидаги резервуарлар.

Газголдерлар ва уларнинг турлари. Ҳисоблаш асослари. Паст ва юқори босим остида ишлайдиган газгольдерлар. Бункерлар ва силослар ва уларнинг ҳисоблаш тарҳи.

Мачталар. Миноралар. Уларнинг турлари ва ҳисоблаш асослари ҳамда монтаж қилиш усуллари. Бинонинг конструктив-ҳажмий ечимлари. Элемент тугунлари. Юк кўтарувчи элементларнинг ўлчамлари.

V. Темирбетон, тош-ғишт конструкцияларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш асослари

Темирбетон моҳияти. Темирбетон ривожланишининг қисқача тарихи. Темирбетон афзалликлари ва камчиликлари. Темирбетонни қўлланиш жабҳалари. Темирбетон конструкциялари ишлаб чиқариш услублари. Яқин йилларда темирбетон ривожланишининг йўналишлари. Темирбетон конструкциялари учун бетон. Бетон тузилиши. Бетонлар таснифи. Бетон мустаҳкамлиги: сиқилишга, чўзилишга, кесилишга маҳаллий сиқилишга. Бетон деформацияланиши. Деформациялар турлари. Бетон киришиши. Қисқа муддатли бир мартали юк таъсирида ҳосил бўладиган деформациялар. Бетонни эластиклик ва деформация модули. Бетонни тоб ташлаши. Бетоннинг чегаравий деформациялари. Темирбетон конструкциялари учун арматура. Арматура турлари. Технологик аломатлар бўйича арматурани таснифлаш. Арматура пўлатларининг механик хоссалари. Арматура пўлатларининг синфлари. Пайвандланган арматура каркаслари ва тўрлари. Арматураларни ва арматурадан ясалган буюмларни туташтириш.

Бетон билан арматурани тишлашиши. Бетонда арматурани анкерланиши. Олдиндан зўриқтирилган арматурани анкерлаш. Олдиндан зўриқтирилган темирбетонни афзалликлари ва камчиликлари. Темирбетон конструкцияларида бетонни ҳимоя қатлами. Тош-ғишт конструкциялари ҳақида умумий маълумотлар. Тош-ғишт ва арматурали конструкциялар учун ишлатиладиган материаллар. Материалларнинг физик-механик хоссалари. Тош-ғишт конструкцияларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш.

Темирбетон конструкцияларини чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоблаш

Темирбетон қаршиликлари назарияси асослари ва темирбетон элементларини ҳисоблаш усуллари. Темирбетон конструкцияларини ишлашини ўзгача хусусиятлари. Эгилувчи элементларни кучланиш деформация ҳолатининг уч босқичи. Темирбетон конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асослари. Бетонни меъёрий ва ҳисобий қаршилиги. Арматурани меъёрий ва ҳисобий қаршилиги. Темирбетон конструкцияларни дарзбардошлиги бўйича қўйиладиган талаблар. Чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашни асосий низомлари. Мустаҳкамлик шартлари. Эгилувчи элементларни нормал ва қия кесим бўйича мустаҳкамлигини ҳисоблаш.

Сиқилувчи элементлар ва уларни ҳисоблаш. Номарказий сиқилувчи элементлар ва уларни ҳисоблаш. Чўзилувчи элементлар. Яхлит (монолит) темирбетон конструкцияларини лойиҳалаш асослари. Яхлит темирбетон конструкцияларини турлари. Яхлит қовурғали темирбетон ораёпмаларни лойиҳалаш. Конструктив схемалари ва турлари. Ораёпманинг бош тўсинини, иккинчи даражали тўсинини ва тўсинли плитасини ҳисоблаш ва арматуралаш. Пойдеворлар ва уларнинг турлари. Пойдеворларни ҳисоблаш ва арматуралаш асослари.

Тўсинли йиғма қаватлараро ёпмалар. Ясси қаватлараро ёпмаларнинг турлари. Йиғма қаватлараро ёпмаларнинг конструктив схемаларини тузиш. Ёпма плиталарни лойиҳалаш. Ригелни лойиҳалаш. Узлуксиз ригелнинг ҳисоби (статик ноаниқ конструкцияларда зўриқишларнинг қайта тақсимланиши), узлуксиз ригелни лойиҳалаш (арматура эпюрасини қуриш тартиби), ригелнинг устун билан бирикиш жойларининг конструкциялари. Темирбетон пойдеворлар. Турлари. Қуйма ва йиғма устун ости алоҳида пойдеворларининг конструктив хусусиятлари. Номарказий юкланган пойдеворлар ҳисоби. Юк кўтарувчи девор ости лентасимон ва яхлит пойдеворларни ҳисоблаш ва арматуралаш.

Олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни лойиҳалаш

Олдиндан зўриқтирилган темирбетон. Олдиндан зўриқтиришдаги кучланиш миқдорини аниқлаш. Сиқилиш жараёнидаги кучланиш. Арматурада олдиндан зўриқиш кучланишларини йўқотиш. Олдиндан зўриқтирилган элементларда кучланиш-деформацияланиш ҳолатлари. Темирбетон элементларининг ёриқбардошлик бўйича ҳисоби. Ёриқбардошликни ядро моменти усули бўйича ҳисоблаш. Эгилувчи элементларда нормал ёриқларнинг очилишига ҳисоблаш. Элементни қия ёриқлар бўйича ҳисоблаш. Нормал ва қия ёриқларнинг ёпилишига ҳисоблаш. Темирбетон конструкцияларининг кўчиши. Эгилишда элемент (ёриқ ҳосил бўлмаган ҳолда) ўқининг эгрилигини аниқлаш. Элементларнинг чўзилиш зонасида ёриқ пайдо бўлиши. Ўқнинг эгрилиги ва бикирлиги. Ёриқ ҳосил бўлмаган ва бўлган элементларнинг ҳисоби.

Бир қаватли синчли биоларнинг конструкциялари

Саноат биоларининг конструктив схемалари. Биоларнинг конструктив схемаларини тузиш. Сейсмик районларда қуриладиган бир қаватли саноат биолари каркас элементлари бирикмаларининг конструктив хусусиятлари. Кўндаланг рамага таъсир қиладиган ташқи кучларни қийматини аниқлаш. Бир қаватли саноат биолари устунларини ва лойиҳалаш усуллари. Том ёпмалари

конструкциялари. Қовурғали том ёпмалари плиталари. Турлари ва лойиҳалаш. Том ёпмалари тўсинларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш тартиби. Том ёпмалари страпил фермаларининг конструкцияси. Ферма элементлари ва тугунларини зўриқтирилган элементларини лойиҳалаш тўғрисидаги маълумотлар. Қишлоқ хўжалиги қурилишида ишлатиладиган уч шарнирли рамаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш тўғрисида маълумотлар.

Кўп қаватли биноларнинг конструкциялари

Кўп қаватли каркасли саноат биноларининг конструкциялари. Конструктив схемалари. Фазовий бикрликнинг таъминланиши. Универсал саноат биноларининг конструкцияси. Қаватлараро ёпмаларнинг хар-хил системаларининг қўлланилиши. Кўп қаватли йиғма конструкция элементлари, чоклари ва тугунларнинг уланишлари. Кўп қаватли фуқаро биноларининг конструктив схемалари. Каркас биноларнинг конструктив схемаларини лойиҳалаш. Биноларнинг фазовий бикирлигини таъминлаш. Рамали, боғлагичли, рама-боғлагичли системалар. Панелли биноларнинг конструкциялари. Панелли биноларининг схемаларини лойиҳалаш. Юк кўтарувчи деворлар, қаватлараро ёпмалар, уларнинг бирикиш жойлари ва уланишлари. Хажмли элементлардан ташкил топган турар жой бинолари конструктив схемаларининг хусусиятлари. Кўп қаватли рамаларни вертикал ва горизонтал юклар таъсирига ҳисоблаш усуллари. Кўп қаватли, кўп ораликли темирбетон рамаларни ЭХМда ҳисоблаш дастурлари тўғрисида маълумотлар. Тош-ғишт конструкциялари. Тош-ғишт конструкциялари ҳақида умумий маълумотлар. Материаллар. Мустақкамликка ҳисоблаш. Тарихий меъморий обидаларни техник ҳолатини баҳолаш ва юк кўтариш қобилиятини аниқлаш. Кучланиш-деформацияланиш ҳолатини белгилаш. Номарказий сиқилувчи деворларни ҳисоблаш. Арматураланмаган ва арматураланган деворларни лойиҳалаш.

Мухандислик иншоотлари (темирбетон)

Резервуарлар, бункерлар, силослар, сув босими миноралари ва тиргак деворлар. Резервуарларнинг турлари ва уларнинг элементлари. Резервуарларнинг ҳисоблашнинг умумий қоидалари. Цилиндрик ва тўғри тўртбур-чакли резервуарларнинг деворларининг марказий ва номарказий юклар таъсирига ҳисоблаш. Йиғма темирбетондан қурилган резервуарларда сув ўтказмаслик чораларини таъминлаш. Бункер ва силос иншоотлари ҳамда сув босими минораларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Тиргак деворлар. Турлари. Уларнинг тузилиши ва конструкциялари. Қўллаш шароити. Тиргак деворларни биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш ва лойиҳалаш.

VI. Сеймик ҳудудда лойиҳалаштириладиган биноларнинг ўзига хос хусусиятлари

Зилзилалар ҳақида асосий маълумотлар. Сеймик хавфли ҳудудлар характеристикаси. Бино ва иншоотларга зилзиланинг таъсирлари. Зилзилабардош биноларни лойиҳалаштиришга қўйиладиган асосий талаблар: қурилиш учун ер танлаш, хажмий-тарҳий ва конструктив ечимлар. Бинони зилзилабардошлилигини ошириш усуллари: анъанавий, махсус (фаол ва пассив), сейсмоизоляция, демферли ускуна.

Қурилиш конструкцияларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш усули. Меъёрий ва ҳисобий юк, унинг таъсир ва зўриқишлар. Юкларнинг бирлашиши. Меъёрий ва ҳисобий қаршилик, юк кўтариш қобилияти.

Зилзилабардошликка ҳисоблашдаги асосий термин ва тушунчалар (сейсмология, зилзилабардошлилик, тезлик ва зилзиланинг такрорланиши ва жадаллиги, ер қимирлашининг ҳисобий жадаллиги). Зилзилабардошлиликни аниқлашда тебраниш назарияси асослари. Зилзилабардошлиликни ҳисоблаш усуллари – спектрли ва динамик. Бино ва иншоотларни зилзилабардошлилигини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашнинг икки чегаравий ҳолати. Чегаравий ҳолатлар таърифи. Бинога бўйлама ва кўндаланг йўналишларида зилзиланинг шартли таъсири. Сеймик юкнинг вертикал ташкил қилувчисини ҳисобга олиш. Кўп қаватли бинолар учун ҳисобий ва динамик схема. Бир қаватли ва кўп қаватли бинолар учун сеймик юкнинг ҳисоби.

VII. Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш

